

“МИФТАХУ-Л-УЛУМ” АСАРИДАГИ فَعَالٍ [faāli] MORFOLOGIK ҚОЛИПНИНГ ЎЗГАЧАЛИКЛАРИ ҲАҚИДА**Акмалхон АКМАЛХОНОВ**

Таянч докторант

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент, Ўзбекистон

ОБ ОСОБЕННОСТИ MORFOLOGICHESKOY FORMY MODELI فَعَالٍ [FAALI] В «МИФТАХУ-Л-УЛУМ»**Акмалхон АКМАЛХОНОВ**

Базовый докторант

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

ON THE FEATURES OF THE MORPHOLOGICAL FORM OF فَعَالٍ [FAĀLI] MODEL IN MIFTAHU-L-ULUM**Akmalkhon AKMALKHONOV**

PhD student

International Islamic Academy of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan akmalxon.973@mail.com**UDC (ЎУК, УДК): 81.366: 811.411.21****For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):**

Акмалхонов А. “Мифтаху-л-улум” асаридаги فَعَالٍ [faāli] морфологик қолипнинг ўзгачаликлари ҳақида// Ўзбекистонда

хорижий тиллар. — 2020.—№ 4 (33), — Б.10-17.

<https://doi.org/10.36078/1604937488>**Received:** August 25, 2020**Accepted:** October 12, 2020**Published:** November 10, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>**Open Access**

Аннотация. Ушбу мақолада XII асрнинг машхур тилшуносларидан бири, жаҳон илм хазинасига муносиб ҳисса қўшган Абу Яъқуб Саккокийнинг “Мифтаху-л-улум” асаридаги فَعَالٍ [faāli] қолипи ҳақидаги илмий-назарий қарашлар таҳлил қилинган. Араб тили грамматикасида шу тилгагина хос бўлган тил ҳодисалар кўпчиликти ташкил қилади. Шундай хусусиятларни فَعَالٍ [faāli] қолипида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур морфологик қолипда ясалувчи сўзлар исм ва феълнинг хусусиятларини камраб олганлиги учун “ismi fe’l (اسم الفعل)” деб юритилади. Шакл ва маъно уйғунлигини бу қолипда акс этганлиги тилнинг семантик ва морфологик жиҳатдан бой эканлигини кўрсатиб келади. Қолган соҳа олимларининг қарашларидан фарқли равишда Саккокийнинг қарашлари илмий асосланганлиги билан ажралиб туради. Олим мазкур қолипдаги кам учрайдиган маъно хусусиятларни батафсил баён қилган. Ушбу маъно хусусиятларни соҳа манбаларининг кўпида учратиш қийин. Шунингдек, мақолада қолган тилшуносларнинг ҳам илмий қарашлари келтирилган.

Калит сўзлари: “Мифтаху-л-улум”; Абу Яъқуб Саккокий; маъно; буйруқ маъноси; ижобий маъно; салбий маъно; замон; майл; морфологик қолип.

Аннотация. В статье анализируются научные и теоретические взгляды на формулу فَعَالٍ [faāli] в произведении «Мифтаху-л-улум» Абу Якуба Саккоки, одного из известных лингвистов XII века, внесшего достойный вклад в сокровищницу мировой науки. В арабской грамматике

лингвистические явления, присущие только этому языку, составляют большинство. Эти особенности также можно наблюдать с помощью [فعال]. Слова, образованные по этой морфологической формуле, называются «именами действия (اسم الفعل)», потому что они охватывают свойства существительных и глаголов. Тот факт, что в этой формуле отражена гармония формы и значения, показывает, что арабский язык семантически и морфологически богат. В отличие от взглядов других ученых, взгляды Саккоки научно обоснованы. Ученый подробно описал смысловые особенности, которые редки в этой форме. Эти смысловые признаки трудно встретить в большинстве филологических источников. В статье также приводятся аргументы других лингвистов.

Ключевые слова: «Мифтаху-л-улум»; Абу Якуб Саккоки; значение; значение повеления; положительное значение; отрицательное значение; время; наклонение; морфологическая формула.

Abstract. This article analyzes the scientific and theoretical views on the pattern of فعال [faāli] in the work of “Miftahu-l-ulum” by Abu Ya'qub Sakkoki, one of the famous linguists of the XII century, who made a worthy contribution to the treasury of world science. In Arabic grammar, the language phenomena, often characterized by noise, are the most common. These features can also be observed with [فعال] form. Words formed in this morphological pattern are called “verb nouns (اسم الفعل)” because they cover the properties of nouns and verbs. The form and meaning of this pattern are illustrated by the semantic and morphological features of the eclipses. Unlike the ideas of scholars in the field, Sakkokin's ideas are often based on the scientific validity. The scientist described in detail the rare semantic features of this pattern, which are difficult to find in other sources of the field. The article also cites scientific arguments made by linguists.

Key words: “Miftahu-l-ulum”; Abu Ya'qub Sakkoki; meaning; imperative; positive meaning; negative meaning; time; mood; morphological pattern.

Кириш. Араб тили грамматикасида ўзига хос бўлган тил ходисалари кўпчиликини ташкил этади. Бу тил ходисаларида тилнинг бир эмас, икки сатҳига оид бўладиганлари ҳам мавжуд. Ана шундай хусусиятга эга бўлган мавзулардан бири шаклан исм, маъно жиҳатдан феъл бўлган فعال қолипда ясалган сўзлар ҳисобланади. Бу қолипда ясалган сўзлар “исми феъл” (اسم الفعل) деб юритилади. Бу сўзлар ҳақида кўпчилик тилшунослар одатий қоидаларни келтириш билан чекланган бўлсалар, Абу Яъқуб Саккокий бу борада ўзгача қарашларни баён қилган. Ушбу мақолада мазкур тилшунослик ўзгача қарашлари таҳлил қилиниши билан бирга бошқа олимларнинг бу борадаги илмий изланишлари ҳам келтирилган.

Саккокий исми феълга қуйидагиларни мисол сифатида келтиради. Улар: زيدا رويد (Зайдни секинлат), تئيل رويدك (секинла), تئيل

(душманлик, бу кўп нусхаларда тушиб қолган сўз), هلم (кел), هات (бер) энг тўғриси, менингча, бу сўзлар исми феъл эмас, бунга кейинроқ тўхтаб ўтилади), هاء (ол), زيدا دونك (мана сенга Зайд), عمرا عندك (Тўхта, Амр), بكرا حذرک (бўталокдан эҳтиёт бўлинг), الامر عليك به و, حيله (бер), بله (ўз холига кўй), (қилишинг керак), صه (жим бўл), مه (бас қил), هيا، هل، هيت، هيك (шошил), وإليك وقطلك قدك (кифоялан), أمين، أمين (ижобат қил), سرعان (қанчалар узокда бўлишди), شتان (қандай фарқлия!), (тезлат), (тез), اف (безор бўляпман), أوه (оғрияпман) (1, 79).

Маҳмуд Замахшарий исми феълни маъно жиҳатдан икки турга бўлади, бири буйруқни ифодаловчи ва иккинчиси маълум бир ахборотни ифодаловчидир. Буйруқни ифодаловчи исми феъл кўпчиликни ташкил этади. Улардаги феъл маъносига кўра ўтимли ва ўтимсиз (واللازم المتعدي) буйруқ ифодаловчи исми феълга бўлиб олиш ҳам мумкин (2, 120). Саккокий биринчи бўлиб мисол сифатида келтирган رويد (секинлат) исми феъли ўзидан кейин тўлдирувчини келтиргани сабабли ўтимли, صه (жим бўл) исми феъли ўтимсиз маънодадир. Бу жиҳати билан шакли исм бўлсада, феъллик хусусияти сақланиб қолганлигини билиб олиш мумкин.

Шоир Ибн Миёда шеъридан:

батаҳқиқ тун зим-зиё бўлди, бас, сен шошил,
шошил (2, 120).

Ушбу шеър байтидаги охирги қайтариқли сўз исми феълҳисобланиб, шахс-сон қўшимчаларини олмай, майлларда ўзгармасдан маънони кучайтириб келган. Байтдаги ушбу сўз кимга қаратилганини сўзловчи белгилайди. Эшитувчига “сен шошил” жумласи кимга қаратилганини билдирувчи шахс-сон қўшимчаси мавжуд эмас.

Исми феъл замон ва майл эътиборидан ўтган замон (هيئات — қанчалар узокда бўлди), ҳозирги замон (أوه — оғрияпман), буйруқ (هات — олиб кел) маъноларида бўлади. Бу тоифадаги сўзлар барча шахс-сонда бир шаклда бўлади. Иккинчи шахсга йўналтирилган исми феълда бирикма олмоши қўшиладиган бўлса, у бирикма олмоши шахс-сонда ўзгаради, мисол учун: هاك (сен китобни ол); الكتاب هاکما — (сиз иккинги китобни олинг). Исми феълни келиб чиқишига кўра асл (مرجل), ўзлашган (منقول), маълум бир қолип ўзгариши натижасида ясалган (معدول)га бўлиб олиш мумкин (3, 497–506; 4, 143–144).

Саккокий мисол сифатида юқорида келтирган:

هلم (душманлик, (бу кўп нусхаларда тушиб қолган сўз)), (кел), هات (бер), هاء (ол), أمين، أمين (ижобат қил), هيئات (қанчалар узокда бўлишди), شتان (қандай фарқлия!), سرعان (тезлат), (тез), (безор бўляпман), أوه (оғрияпман) кабилар асл исми феъл (المرجلة الأفعال أسماء) сирасига,

(қилишинг керак), الامر عليك به و (кифоялан), وإليك وقطلك قدك (мана сенга Зайд) бу кабилари ўзлашган исми феъл (أسماء المنقولة الأفعال) таркибига,

حذارك (ехтиёт бўлинг) кабилари эса, ясалган исми феъл (أسماء) (المعدولة الأفعال) ичига киради.

Саккокий бундай тақсимлашнишни бермаса-да, ҳар бир турига мисолларни келтирган.

Исми феълнинг ўзлашган турида от билан кўмакчи, кўмакчи билан бирикма олмоши, кўмакчи ва бирикма олмоши билан бириккан иккинчи кўмакчи, от билан бирикма олмоши бирикиб маъно англатаётганини кузатиш мумкин.

от билан кўмакчи бирикувидан: الأمر على (уни қабул қил); إلى الأمر (унга шошил);

кўмакчи билан бирикма олмоши: إليك (кет); أمامك (олдинда юр); وراءك (орқада қол);

кўмакчи ва бирикма олмоши билан бириккан иккинчи кўмакчи бирикуви: بنفسك عليك (уни лозим тут);

от билан бирикма олмоши бирикуви: مكانك (мустаҳкам бўл).

Сўз туркумлари жиҳатидан амалга оширилган бу гуруҳлаш орқали исми феъл кўпроқ қайси туркумдан ўзлашгани, ҳаракатларнинг қай бири билан ўзгармас ҳолда бўлаётганини билишда муҳим рол ўйнайди.

Ўзлашган ва ясалган исми феъл фақатгина буйруқ маъносида қўлланади. Асл исми феъл буйруқ, ҳозирги замон, ўтган замон маъноларида қўлланаверади. Исми феълнинг асл ва ўзлашганлари эшитиш орқали билинган бўлса, ясалганлари маълум қолип асосида ҳосил қилинади. У ўзгармас бир шаклга эга бўлиб, فعال қолипи ҳисобланади (5, 100). Бу қолип асосида исми феъл уч ундошли ўзакка эга, зиёдадан ҳоли феъллардан ҳосил қилинади, кам ҳолларда уч ундошли ўзакнинг зиёдаси бор феълларидан ҳам ясалади. Уч тур ичида энг кўпи бу мазкур қолип асосида ясалган исми феъл саналади.

Исми феъл ўзгармас шаклдаги сўзлардан бўлса-да, уларнинг баъзилари шахс сонда тусланиши мумкин. Шундай хусусиятлари исми феълдан: هلم (кел), هات (олиб кел), تعال (кел) келтириш мумкин. Бу уч сўзнинг исми феъл ёки буйруқ феъли борасида олимлар ўртасида тортишув бор.

сўзи Ҳижоз лаҳжасига кўра исми феъл бўлса, Бани Тамим лаҳжасига кўра феълнинг буйруқ шаклидир. Ҳижоз лаҳжасида бу сўзнинг هلم шаклидан бошқа шакли йўқ. Бирлик, иккилик ва кўпликда ҳам шу шакл ўзгармайди. Бунга мисол ўлароқ, Аҳзоб сурасидан 18-оятни келтириш мумкин: إنيأهلهم لإخوانهم والقائلين (ва ўз биродарларига “биз томон келинглари” дегувчиларни (билур)). Ушбу оятда “биродарлар” сўзи кўпликда бўлсада, мазкур сўз бирлик шаклда турибди. Шу ва бошқа далиллар асосида Ҳижоз лаҳжасида бу сўз исми феъл ҳисобланади. Бани Тамим лаҳжасида هلم сўзининг бирлик муаннас (هلمي), иккилик музаккар ва муаннас (هلمنا), кўплик музаккар (هلموا), кўплик муаннас (هلمن) шакллари бор. Бу шаклларни ҳисобга олиб, бу сўзга феългагина қўшиладиган муаннаслик “uā”си эътиборидан буйруқ майлидаги феъл ҳисобланади (6, 29; 7, 34).

هات ва تعال сўзларини кўпчилик наҳвшунослар исми феъл деб биладилар, шу жумладан, Саккокий ҳам, лекин бу икки сўзда هلم

каби тусланиш хусусияти бор, шунингдек, феъллагина кўшиладиган муаннаслик “уа”си ҳам кўшилгани эътиборидан Жамолiddин ибн Ҳишом Ансорий мазкур сўзларни буйруқ майлидаги феъл деб айтади (7, 35).

Саккокий бу сўзлар борасида баҳс қилмаган бўлсада, мазкур сўзларнинг маъно эътиборидан ва шакл эътиборидан исми феълга яқин бўлганлиги учун шу сўзлар сирасида ёзган.

Саккокий исми феъл таркибига кирувчи, қолип асосида ясалган (معدول) тури ҳақида баҳс юритиб, мисол сифатида қуйидагиларни келтиради: حذار (“эҳтиёт бўлинг”), تراك (“тарк этинг”) (мифтах).

Бу келтирилган мисоллар буйруқ маъносида бўлиб, حذار нинг қолипга солинмаганидаги шакли احذر (эҳтиёт бўл) бўлади. Ҳар иккала шакл бир маънони ифода этсада, қолип асосида ҳосил қилинган шакл мулоийм тарзда, маънони таъкидли эканлигини ифода этади. Саккокий фикрини далиллаган ўлароқ: “Сибавайҳи бу ҳақда ҳамма уч ўзак ундошли, зиёдадан ҳоли феъллар ушбу қолипда ясалади (8, 271)”, деб айтади (1, 78). Бундан маълум бўладики, ушбу қолипда мазкур маъно фақатгина уч ундошли ўзакнинг зиёдадан ҳоли шаклидан ҳосил қилинади. Маҳмуд Замахшарий бу фикрга қарши ўлароқ, тўрт ундошли ўзакдан ҳам ҳосил қилинишини قرقار (гумбурла) мисоли билан далиллайди ва Абу Нажм Ажлий шеърдан байт келтиради, у қуйидагича:

قرقار الصباريح له قالت — Сабо (шарқ томондан эсадиган шамол) шамоли айтдики унга: Момақалдироқла гумбурла (2, 123).

Сибавайҳи энг катта тилшунос олимлардан бири ҳисобланади. Бу борадаги унинг фикри уч ундошли ўзакка эга бўлган феъллардан ушбу қолип асосида ясалиши кўп эканлигини билдириб келмоқда. Тўрт ундошли ўзакдан қолип асосида ясалиш кам эканлигини Маҳмуд Замахшарий ҳам таъкидлайди (2, 122). Олим келтирган мисолнинг қолипи баҳс қилинаётган فعال эмас, فعالل ҳисобланади. Сибавайҳи ва Саккокийнинг бу борадаги фикрлари қолган қарашлардан кучли ҳисобланади.

Бу қолип фақатгина буйруқ маъносида эмас, балки: “Бу қолипдан масдар исми (ҳаракат номи) маъноси ҳам ҳосил бўлади: الفجرة فجار (гуноҳ қилиш), للميسرة يسار (енгил, осон бўлиш), للمحمدة حماد (пишиқлик), مساس لا (суртинма), عباب لا (“мени ўз ҳолимга қўйинг, етар”), عباب لا (“нафас олмай ич”), باب لا (“интилма”), بوار (“фалокат”), بلاء (“мусибат”) ва булардан бошқалар”, деб Саккокий فعال қолипининг иккинчи ўзига хослигини баён қилди. Масдар иш ҳаракат номи ҳисобланса, “масдар исми” ҳам ҳаракат номи ҳисобланади. Масдар билан масдар исми ўртасидаги фарқ шундан иборатки, масдар исмида ўзи ҳосил бўлган феълни ташкил қилувчи ҳарфларнинг ҳаммаси бўлмайди. Мисол учун: تكلم (гаплашмоқ) феълнинг масдар исми كلام (гаплашиш) ҳисобланади. Феъл билан ҳосил бўлган масдар исми солиширилса, юқорида айтилган қоида ўз исботини топади,

яъни унда ўзи ҳосил бўлган феълнинг биринчи ҳарфи бўлган “tā” йўқ. Бу ҳарфнинг мавжуд эмаслиги бу сўз масдар эмас, масдар исми эканлигини билдириб келади. **فعال** ҳам масдар исми ҳосил қилувчи қолиплардан бири эканлигини Саккокий юқорида келтирилган мисоллар билан баён этмоқда. Бу қолип асосида ясалган сўз Саккокий, Мубаррад, Ибн Кисон (6, 51) сўзларига кўра, ўзгармас сўзлардан ҳисобланади. Саккокий фикрига кўра, **فجار** (фожирлик қилиш) шу маънодаги **فجرة** (гуноҳ қилиш) шаклининг **فعال** қолипига солинган шакли ҳисобланади. Бу фикрни Ибн Яъиш ҳам қўллаб қувватлайди (6, 51). **جماد** ва **حماد** ҳам шу каби ҳисобланади, мисол учун шоир Муталаммиснинг ушбу байти:

حماد ذكرت إذا أبدا لها تقولي ولا جماد لها جماد

Унга хосдир пишиқлик пишиқлик

Унга асло демагин: эсланганда мактов ва раҳмат (10, 232).

كفاف دعني, “мени ўз ҳолимга қўйинг, етар”), **أباب لا** (“интилма”) қайтарик маъносида бўлса, **بوار** (фалокат), **بلاء** (мусибат) каби исми феъл асл маъносини сақлаб қолган.

Саккокий **فعال** қолипнинг иккинчи хусусиятини баён қилгач, учинчи жиҳати ҳақида шундай ёзган: “Ундалмага тегишли сифатдан ушбу қолипда ясалган сўз: **رطاب يا** (“Эй, ёмон”), **خبث يا** (“Эй, жирканч”), **دفار يا** (“Эй, бадбўй”), **فجار يا** (“Эй, фожира”), **لكاع يا** (“Эй, тубан”), (шоир Абу Мулайканинг байтидан): **لكاع قعيدة بيت إلى أوي ثم أطوف ما أطوف**

Кезадиганимни кезиб, сўнг тубан хотин уйига паноҳ сўраб бораман (мифтах).

Кам учрайдиганларга мисоллар: **فساق يا** (“Эй, фосиқа”), **يا** (“Эй, ҳеч бир яхшилиги йўқ”), **خزاق يا** (“Эй, бадбўй”), **يا** (“Эй, кўп ел чиқарувчи”) (1, 79).

Учинчи хусусият **فعال** қолипи асосида юқоридаги сўзлар ҳосил қилинди. Бу сўзларнинг асл қолипи **فاعلة** бўлиб, муаннасликни ифода этади, яъни **فساق** (фосиқ аёл)нинг асли **فاسقة**, **رطاب يا** (“Эй, ёмон”)нинг асли **رطوبة**, **خبث يا** (“Эй, жирканч”)нинг асли **خبثية**, **دفار يا** (“Эй, сассиқ”)нинг асли **دفرة**, **فجار يا** (“Эй, фожира”)нинг асли **فاجرة**, **لكاع يا** (“Эй, тубан аёл”)нинг асли **لكعاء** ҳисобланади.

Бу сўзлар **فعال** қолипи асосида ҳосил қилингани учун ҳам касра [и] билан ўзгармас ҳолда бўлади. Бу хусусият ундалма бўлганда қўлланади, шунинг учун ҳам Саккокий уларнинг ҳаммасини ундалма юкламаси **“yāā”** (النداء حرف) билан келтирмоқда.

Кейинги хусусияти ундалма бўлмаган ўринда ҳам **فعال** қолипида ҳосил қилинган сўзлар тегишли. Ушбу ҳолатда маълум сифатларни ўз ичига олган, хос сифатланмишга боғлиқ маънога эга сўзларни ҳосил қилиниши билан алоқадор ҳисобланади. Саккокий бунга қуйидаги мисолларни келтиради: “Ундалмага тегишли бўлмаганидан ясалган сўзлар: **براح** (ёндирувчи), **كلاح** (қийин, унумсиз (11, 99)), **جداع** (шиддатли),

أَظَام (қахатчилик), طَمار (баланд жой (11, 144)), طَبار (фалокат остидаги киши (11, 86), لَزام (лойик) (1, 79).

Саккокий мисолларни келтириш билан кифояланмасдан хусусиятларга ҳам ишора қилиб қўйган. Қуйидаги ишоралардан бири асли сифат бўлган сўзларни **فعال** қолипига солингани бўлиб, (сифатда турланиш бўлса), бу қолипда ўзгариш бўлмайди. Шунингдек, маъно муайян бир сифатланмиш билан хосланганлиги, бўрттириш бор эканлигини қамраб олади. Масалан: **براح** (ёндирувчи) сўзи қуёшга, **كلاح** (қийин, унумсиз (12, 99), **جداغ** (шиддатли), **أَظَام** (қахатчилик) сўзлари йилга, **طَمار** (“баланд жой” (11, 144)) маконга, **طَبار** (“фалокат остидаги киши” (11, 86)) шахсга, **لَزام** (“лойик” (шунга мосда ўзи!)) сўкиш, ҳақоратга нисбатан қўлланади.

Мазкур қолипнинг яна бир хусусияти муаннас атоқли исмларни ҳосил қилади. Қолип таъсирида келишиқда турланмайди. Баъзи ҳолларда бу борада тортишувли масалалар бор. Саккокий қуйидагиларни баён қилади: **فاعلة** қолипидаги атоқли отлардан **فعال** да ясалган сўзлар: **حَظَام** (Ҳазоми, аёл киши исми), **قَظَام** (Қатоми, аёл киши исми), **بَظَان** (Баҳони, аёл киши исми), **سَجاح** (Саҷоҳи, аёл киши исми), **كَسَاب** (Касоби, ит урғочиси лақаби), **سَكاب** (Сакоби, от лақаби), **ظَفَار** (Зафори, қишлоқ номи), **عَرَار** (Арори, сигирга қўйилган лақаб) сўзларидир.

Ҳижоз лаҳжасига кўра, ушбу қолипда ясалган атоқли отларнинг ҳаммаси касра [и] билан келишиқда турланмайди. Бани Тамим лаҳжасида бу борада икки хил шакл мавжуд. Баъзилари бу каби сўзларни келишиқда турланувчи сўз каби икки келишиқда турлайверишади. Баъзилари Ҳижоз аҳли каби ҳамма келишиқда касрала билан келтиришади (7, 17–19). Бу ҳақда Саккокий: “Ҳижоз аҳли бу сўзларни касра билан ўзгармас ҳолда қўлласалар, Бани Тамим бу каби ҳолатда бўлиши учун охириги ҳарф “rā” (ر) бўлишини шарт қиладилар”, деб ёзган эди (1, 78). Демак, Ҳижоз лаҳжасида мазкур қолип билан ясалган атоқли от ўзгармас бўлса, Бани Тамим лаҳжасида ўзгармас бўлиши учун шарт қўйилган ва у шарт “rā” (ر) ҳарфи билан тугашидир. Шу сабабли Саккокий **ظَفَار** (Зафори, қишлоқ номи), **عَرَار** (Арори, сигир лақаби) мисолларини келтирди.

Хулоса. Абу Яъқуб Саккокий билдирган қарашлар исми феълнинг анъанавий тилшунослик қоидаларида учрамайдиган хусусиятларини қамраб олганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Бу хусусият Саккокий томонидан шакл билан маъно уйғунлигида **فعال** қолипидаги бир шакл ижобий ва салбий бўёққа эга эканлиги баён қилинган. Ушбу қолип асосида исми феъл фақат уч ундошли ўзакка эга бўлган сўзлар билан бир қаторда, кам учраса ҳам, тўрт ундошли ўзакдан ҳам ҳосил қилинади. Ўзакдаги ҳарфлар сони тўртта бўлса ҳам, мазкур қолипдаги ҳаракатлар (унлилар) ўзгармайди. Бу қолип буйруқ маъноси билан ҳаракат номи, қайтариқ (буйруқнинг инкори), аёлларга хос бўлган атоқли от маъноларини ҳам ифода этади. Бу

хусусиятлари билан мазкур қолип семантик жиҳатдан фаол ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Abu Ya'qub Sakkokiy. Tahqiq Hamdi Muhammad Qabil. Miftahu-l-ulum. — Al-Qahira: Daru-t-Tavfiq, 2008. 395 p.
الامام ابو يعقوب يوسف بن ابي بكر بن محمد السكاكي. تحقيق حمدي محمد قابل. مفتاح العلوم. القاهرة. دار التوفيق. 2008. صفحة 395.
2. Mahmud ibn Umar Zamaxshariy. Tahqiq Sharbiniy Sharida. Al-Mufasssal fi san'ati-l-I'rab. — Al-Qahira: Daru-l-Hadis, 2013. 395 p.
العلامة محمود بن عمر الزمخشري. تحقيق الشربيني شريدة. المفصل في صنعة الاعراب. القاهرة. دار الحديث. 2013. صفحة 395.
3. Amr ibn Usman. Tahqiq Musa Bina'iy Aliliy. Al-I'dah fi sharhi-l-Mufasssal. — Bag'dad: Matba'atu-l-Ani, 1982. 725 p.
أبو عمرو بن عثمان بن عمر المعروف بابن حاجب. تحقيق الدكتور موسى بنائي العلي. الإيضاح في شرح المفصل. — بغداد. مطبعة العاني. 1982. صفحة 725.
4. Abu Bakr Muhammad ibn Siraj. Tahqiq Abdu Husayn Fatliy. — Al-Usul fi-n-Nahv. — Bayrut: Muassasatu-r-Risala, 1405 h. 445 p.
أبو بكر محمد بن السهل بن السراج. تحقيق الدكتور عبد الحسين الفتلي. الأصول في النحو. الجزء الأول. — بيروت. مؤسسة الرسالة. 1405هـ. صفحة 445.
5. Ali ibn Isma'il ibn Sayda. Al-Muxassas. — Bayrut: Daru-l-Fikr, 1348 h. 266 p.
علي بن إسماعيل بن سيده. المخصص. الجزء الرابع عشر. — بيروت. دار الفكر. 1348هـ. صفحة 266.
6. Ya'ish ibn Ali ibn Ya'ish. Sharhu-l-Mufasssal. Juz Sanin. — Al-Qahira: Maktabatu-l-Mutanabbiy. 352 p.
يعيش بن علي بن يعيش. شرح المفصل. الجزء الثاني. — القاهرة. تصوير مكتبة المتنبّي. صفحة 440.
7. Jamoliddin ibn Hisham Ansoriy. Qatru-n-Nada va Ballu-s-Sada. — Al-Madina Al-Munavvara: Maktabatun Tayyibatun, 1990. 352 p.
جمال الدين بن هشام الأنصاري. قطر الندى وبل الصدى. — المدينة المنورة. مكتبة طيبة. 1990م. صفحة 352.
8. Amr ibn Usman ibn Qanbar. Tahqiq Abdusalom Muhammad Harun. Kitab Sibavayhi. — Bayrut: Daru-l-Jil. 494 p.
أبو بشر عمرو بن عثمان بن قنبر. تحقيق وشرح عبد السلام محمد هارون. كتاب سيبويه. الجزء الثالث. — بيروت. دار الجيل. صفحة 494.
9. Ya'ish ibn Ali ibn Ya'ish. Sharhu-l-Mufasssal. Juz Salis. — Al-Qahira: Maktabatu-l-Mutanabbiy. 488 p.
يعيش بن علي بن يعيش. شرح المفصل. الجزء الثالث. — القاهرة. تصوير مكتبة المتنبّي. صفحة 488.
10. Yusuf ibn Abu Sa'id Sayrofiy. Tahqiq Muhammad Ali Hashim. Sharh abyat Sibavayhi. Juz Sanin. 1974. 680 p.
يوسف بن أبي سعيد الحسن عبد الله بن المرزبان السيرافي. تحقيق محمد علي الريح هاشم. شرح أبيات سيبويه. الجزء الثاني. صحيفة 680. 1974.
11. Jamaliddin Muhammad ibn Mukrim ibn Manzur. Lisanu-l-Arab. Juz Salis Ashara. — Bayrut: Dar Sadir, 2000. 305 p.
أبو الفضل جمال الدين محمد بن مكرم ابن منظور الإفريقي المصري. لسان العرب. الجزء الثالث عشر. — بيروت، دار صادر. 2000. — ص. 305.
12. Jamaliddin Muhammad ibn Mukrim ibn Manzur. Lisanu-l-Arab. Juz Tasi'. — Bayrut: Dar Sadir, 2000. 335 p.
أبو الفضل جمال الدين محمد بن مكرم ابن منظور الإفريقي المصري. لسان العرب. الجزء التاسع. — بيروت، دار صادر. 2000. — ص. 335.